

ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМИДА ЖАХОН ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

Ипак йўли инновациялар университети ўқитувчиси

Ибрагимова Дилобар Туробовна

Ипак йўли инновациялар университети ўқитувчиси

Абдурахмонова Саида Абдусаттор қизи

Аннотация. Мақолада туризмнинг иқтисодий ривожланишдаги аҳамияти, туризм соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилган. Ривожланган мамлакатларнинг ҳуқуқий қиёсий таҳлиллари ҳамда илғор тажрибаси асосида юртимизда туризмни ривожлантириш бўйича таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: туризм, виза, визасиз режим, сайёҳлар, инфраструктура, гидлик фаолияти, хорижий давлатлар, қонун ва қонун ости ҳужжатлар.

Туризм жаҳон иқтисодиётидаги энг тез ривожланаётган тармоқлардан биридир. Жаҳон туризм индустриясининг ўртача йиллик ўсиши йилига 4-5 фоизни ташкил қилмоқда. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ туризм соҳасини давлат томонидан қўллаб–қувватлаш, соҳа корхоналарига имтиёзлар яратиб бериш, шунингдек, туризм соҳаси учун инфратузилмани шакллантириш борасидаги ишлар жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда.

Жаҳон туризм ташкилоти (ЖТТ) маълумотларига кўра, туризм соҳасида банд бўлганлар сони 300 млн. кишига яқин бўлиб, жаҳондаги умумий бандликнинг 8 фоизига тўғри келади. Жаҳон миқёсида туристик хизматлар экспорти улуши 30 фоизни, товарлар ва хизматлар бўйича эса 6 фоизни ташкил этади. Охириги йилларда (2000-2016 йиллар) жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этишига қарамасдан, макроиқтисодий кўрсаткичлари бўйича юқори суръатли ўсишга эришилганлигига ушбу соҳани индустриал даврдан сўнги босқич (уклад) нинг феномени сифатида қаралмоқда.

Кўпгина мамлакатларда айнан туризм йўналиши эвазига янги ишчи ўринлар яратилади, аҳоли яшаш шароитларининг юқори даражаси сақланиб туради, давлатнинг тўлов баланси яхши томонга ўзгариши учун шарт-шароитлар яратилади. Туризм соҳасини ривожлантиришга бўлган зарурат таълим сифати даражаси кўтарилиши, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тизими такомиллашуви, ахборот тарқатишнинг янги воситаларини татбиқ этиш ва ҳ. к. учун замин яратади. Туризм маданий потенциални сақлаб қолиб, уни ривожлантиришга таъсир ўтказди, турли давлатлар ва халқлар ўртасидаги муносабатлар уйғунлашувига олиб боради, ҳокимият, жамоат ташкилотлари ва савдо

тузилмаларини атроф муҳитни ҳимоя қилиш ишларида қатнашишга мажбур қилади. Ўзбекистонда туризмнинг кенг қамровлиги ва муҳимлиги унинг давлат иқтисодиётининг стратегик тармоқлар қаторига киришидан далолат беради. Бу эса ҳудудий ва тармоқлараро мутаносибликни таъминлаш, аҳоли бандлиги сиёсатини асослаб бериш, бюджет даромадлари ўсишини ҳамда тўлов баланси ҳолатни бошқаришни таъминлаш мақсадида унинг бевосита давлат томонидан режалаштирилишини талаб этади. Шундай қилиб, туризм иқтисодиётнинг даромадли соҳаси бўлиб, туризм бизнесида муваффақиятга эришиш учун истеъмолчиларнинг туристик хизматларига бўлган эҳтиёжларига асосланган ҳолда турмахсулотни ишлаб чиқариб уни сотишни ташкиллаштириш, ҳалқаро ҳуқуқ нормалари ва қоидалари, туристик менежмент ва маркетинг соҳаларидаги амалиёт, ҳамда туризм хизмат бозори конъюнктураси ҳақида яхши билим талаб этилади.

Бугунги кунда, юртимизда туризм соҳасини ривожлантириш юзасидан Муҳтарам Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Юртимизда туризм соҳасини ривожлантириш, ўз навбатида дунё мамлакатлари ичида, Мустақил Ўзбекистонимиз нуфузини ошишига ҳамда давлатнинг раванқ топиб, ривожланишига муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Хусусан, бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.04.2023 йилдаги 135-сонли “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорида ҳам ушбу йўналишни ривожлантириш юзасидан, тегишли мутасаддиларга, қарорнинг мазмун-моҳияти ва ундаги бир қатор имконият ҳамда имтиёزلарни фуқароларимизга етказилиши юзасидан тегишли вазифалар белгилаб берилди(1).

Туризм соҳаси ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, у бутун дунёда бюджетни қайта тақсимлаш эмас, балки тадбиркорлик ҳудудини ифодалайди. Ушбу жараёнларда давлат туризм сиёсатини, унинг устувор йўналишларини белгилаб бергани ҳолда ички ва ташқи туризм бўйича тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, ижтимоий-иқтисодий механизмларни тартибга солади. Бу эса туристик корхоналарнинг давлат томонидан тартибга солинадиган бозорда фаолият кўрсатишларига сабабчи бўлади. Бозордаги иккинчи субъект, истеъмолчилар турли уюшма ва жамиятларга бирлашиб, туристик хизматлардан фойдаланадилар ва ижтимоий туристик маҳсулотга талабни шакллантирадилар. Уларнинг ҳаракатини қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича тартибга солувчи давлат органлари билан мулоқотга киришадилар.

Иқтисодиётнинг туризм тармоғи ривожланишидаги энг муҳим омиллар табиий-рекреация ва тарихий-маданий имкониятлардир. Бой маданий ва табиий

салоҳиятнинг мавжудлиги, ҳаттоки иқтисодий ривожланмаган мамлакатларга ҳам туризмни ривожлантириш соҳасида фаол давлат сиёсатини олиб бориш шarti билан жаҳон туризм бозорида муҳим мавқега эга бўлиш имкониятини беради. Ушбу сиёсатнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: саёҳатчиларнинг ҳуқуқларини, ички туризм маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ички ва ташқи туризмни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш. Бундай қўллаб-қувватлаш шакллари туристик инфратузилмани шакллантиришга йўналтирилган тўғридан-тўғри инвестициялар, кадрлар тайёрлаш харажатлари, миллий туристик маҳсулотни жаҳон бозорига чиқаришни реклама ва ахборот билан таъминлаш, инвестицияларнинг кириб келишини, ички ва ташқи туризмни ривожлантиришни рағбатлантирувчи солиқ, божхона имтиёзларидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон 1993 йил 4 октябрда Бутунжаҳон туризм ташкилотига Маркази Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб аъзо бўлди. Бу ўз навбатида Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантириш ишларига катта ижобий туртки берди. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ 5611 сонли қарорида “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси”га мувофиқ Европа ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан товар айланмаси, ташиладиган йўловчилар сони ва инвестицияларни кўпайтириш учун республикадаги транспорт алоқа тизимини тубдан яхшилаш мақсадида хорижий алоқаларни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди. Таҳлиллар шундан далолат берадики, кўпгина ривожланган мамлакатларда туризмдан келадиган даромад бошқа соҳаларга қараганда анча кўпроқ валюта тушумларини келтиради(2). Масалан: Туркия йилига 4-5 млрд. долларлик товар экспорт қилса, туризм фаолиятдан 10 млрд. доллардан ортиқ даромад олади. Австрия, Англия, Италия, Франция, Испанияларда ҳам худди шундай юқори кўрсаткичларни кўришимиз мумкин. Мазкур соҳа кузатувчилари сайёҳлик ва туризм иқтисодий ривожланишнинг драйвери –ҳаракатлантирувчи кучи экани ҳақида яқдил фикр билдирмоқда, ушбу соҳалар янги иш ўринларига замин яратиш баробарида (ИСаО маълумотиغا кўра, 2017 йилда ҳар 10 иш ўрнининг биттаси шу соҳага тегишли бўлган) ижтимоий ривожланишга катта ҳисса қўшади(4).

Туризм хизмат кўрсатишга асосланган иқтисодиётни яратиш ва ривожлантиришни рағбатлантиради. Ушбу фаолият доираси Тошкентдаги йирик меҳмонхоналардан тортиб, Самарқанддаги кичик хостеллар, халқаро аэропортлардаги бутиклар, Бухоро ва Хиванинг хушманзара кўчаларидаги кичик

хунармандчилик дўконларигача бўлган қамровни қамраб олади. У инсонларда иқтисодий кўникмаларни оширади, билим уфқларини кенгайтиради.

Бугунги кунда аксарият мамлакатларда, жумладан, энг ривожланган 10 та мамлакатда бутун саъй-ҳаракатлар чет эллик сайёҳларни жалб этишга қаратилмоқда. Туризм ривожланаётган мамлакатлар учун, айниқса, пул оқимини оширишда фойдали бўлиши ҳаммага маълум.

Изланишлар натижалари Бирлашган Миллатлар Жаҳон Туризм Ташкилоти (United Nations World Tourism Organization (UNWTO)) маълумотларига кўра, бутун жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 10,4%и (2017 йилда унинг ҳажми 8,3 трлн. АҚШ долларига тенг бўлди), дунёдаги инвестицияларнинг 7%и, солиқ тушумларининг 5%и, жаҳондаги истеъмолчилик харажатларининг 11%и ва ҳар 16 та янги яратилаётган иш ўрнининг биттаси айнан туризм ва меҳмондўстлик индустриясининг ҳиссасига тўғри келмоқда.

Мамлакатимизда ҳам туризмни ривожлантириш борасида бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг минтакавий тузилмалари штат бирликларининг оширилгани, ҳудудларда туризм департаментлари ва бошқармалари, ҳоким ўринбосарлари лавозимлари ташкил этилгани мазкур ташкилотларнинг имкониятларини кенгайтирда катта рол ўйнамоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни 2019 йил 18 июлда қабул қилинган, унда соҳанинг ҳозирги ривожланиш босқичидан келиб чиққан ҳолда янги тушунчалар киритилди, туризм бўйича давлат сиёсатининг принциплари ва асосий йўналишлари белгиланди (3).

Хулоса сифатида, ўрганилган хорижий тажриба, эгалланган назарий билимлар ҳамда бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш натижасида ишлаб чиқилган қуйидаги таклиф ва тавсияларни келтириб ўтамиз:

1. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий туризмни ривожлантириш мақсадида мамлакат ҳудудида ҳаракатланувчи сайёҳларнинг ҳаракатланиш тартиби, уларга яратиб бериладиган шароитлар ва имтиёзлар бўйича алоҳида ҳужжат ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
2. Туризм соҳасида фаолият юритувчи гидлар малакасини ошириш, уларнинг кўникма ва билимларини баҳолаш бўйича махсус дастурий тизим яратиш, бунда гидларни имтиҳонлардан ўтказиш ва малакасини ошириш ишларида инсон омили иштирокини имкони борича чеклашга қаратилган алоҳида лойиҳа ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
3. Мустақил гидлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда гид-таржимонлар тайёрлаш махсус ўқув марказлари фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда бу жараёнга нодавлат-нотижорат ташкилотларини кенг жалб этиш;

4. Туристларга мамлакатимиздаги тарихий обидалар, тарихий шахслар, давлатнинг ҳудудий ва маъмурий тuzилиши, шунингдек, урф-одатлар ва анъаналар тўғрисида маълумот берувчи гид-таржимонлар бераётган маълумотларнинг тўғрилиги ва асосланганлиги жавобгарлик масаласини туризм қонунчилигида аниқ белгилаб қўйиш ҳамда уларга бериладиган жазо турини Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодексида мустаҳкамлаб қўйиш;
5. Туристик ташкилотлар томонидан хорижий валюталарнинг Ўзбекистонга киритилишини янада рағбатлантириш мақсадида, уларга солиқ имтиёзлари бериш, яъни уларнинг хорижий валютадаги даромадларининг маълум қисмини солиқлардан озод қилиш. Бу нарса тадбиркорларнинг соҳага янада кўпроқ инвестиция ажратишига олиб келади.
6. Ўзбекистон Республикасида туристик фаолиятни лицензиялаш тартибини қайта кўриб чиқиш ва янада соддалаштириш;
7. Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш учун секторлараро муносабатларни тартибга солувчи ва ривожлантирувчи меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш. Бунда соҳа ривожига нодавлат секторнинг иштирокини кенгайтириш масалаларининг ҳуқуқий асосларини яратиш;
8. Туризм соҳасига ажратилаётган сармоялар ҳажмини янада кенгайтириш ва мазкур фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорларга кредит имкониятларини кенгайтириш мақсадида “Туризм тараққиёт банки”ни ташкил этиш;
9. Ўзбекистонда туризм соҳасига янги ахборот коммуникация технологияларини жорий қилиш бўйича махсус лойиҳа ишлаб чиқиш ва шу мавзуда халқаро конференциялар ташкиллаштириш;
10. “Ақлли туризм” воситаларидан самарали фойдаланиш;

Хулоса ўрнида шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш ва давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш борасида катта ютуқларга эришилди. Мазкур соҳани ривожлантириш мақсадида тадбиркорларга жуда катта имтиёз ва имкониятлар яратиб берилганлиги соҳа ривожининг асосий омили бўлди. Шу билан бир қаторда баъзи бир камчилик ва фойдаланилмаётган имкониятлар борки, уларни бартараф этиш ва бу йўлда ривожланган хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. «Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 апрелдаги ПҚ-135-сон [қарори](#);

2. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5611 сонли қарори;
3. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни 2019 йил 18 июл;
4. Н.Жураева, Ф.Халимова «Халқаро туризм бозори». Дарслик. Тошкент – ТДИУ. 2020й, 119 бет.

